Ахборот-кутубхоналарга яхши қидирув тизими керак 7-бет



19 (1337)-son 11-may 2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

**ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**
Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари ташкил этилади **2-бет**

**МАРДЛИК, БУРЧ ВА САДОҚАТ**
Елизавета Шиллер: Ўзбеклар мен каби юз минглаб уруш жабрдийдаларига қайноқ бағридан жой берган **4-бет**

**ПРИ МИНИНФОКОМЕ**
создан Общественный совет по вопросам развития ИКТ **6-бет**

**СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ**
Мобил телефон ва саратон — боғлиқлик борми? **10-бет**

**МАСЛАҲАТ**
Интернет йўқлигида Chrome браузеридан қандай фойдаланса бўлади? **11-бет**

### ЭНГ ОММАЛАШГАН ИНТЕРНЕТ ОАВ РЕСУРСЛАРИ



TAS-IX, 09.05.18

| | |
|---|---|
| 1. Kun.uz | 252 714 |
| 2. Daryo.uz | 139 362 |
| 3. Xabar.uz | 53 940 |
| 4. Gazeta.uz | 52 322 |
| 5. Qalampir.uz | 37 855 |
| 6. Uznews.uz | 34 359 |
| 7. Upl.uz | 29 655 |
| 8. Sof.uz | 24 337 |
| 9. Hordiq.uz | 22 482 |
| 10. Itv.uz | 19 776 |



# ЭЪЗОЗ, ҚАДР ВА РАҒБАТ

Яқинда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан тантанали тадбир ўтказилди. Унга меҳнат фахрийлари, соҳа корхона ва ташкилотларида самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ ходимлар ва меҳмонлар таклиф қилинди.

Тантанала Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Ахмедхаджаев соҳани ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар, келгуси вазифалар ҳақида сўз юритди. Вазир соҳа ходимлари ва меҳнат фахрийларини Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда касб байрамлари билан табриклади. Шундан сўнг соҳа раҳбари вазирлик буйруғи билан тақдирланганларга "Моҳир алоқачи" фахрий унвони, "Фахрий ёрлиқ" ва "Ўз касбининг устаси" нишонини топширди.

3-бет

АНОНС

## #MITCROADMAP2018 АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

2018 йилнинг 22 майида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг #MITCROADMAP2018 анжумани бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида, 2018-2019 йилларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланган. Шу муносабат билан, #MITCROADMAP2018 анжуманида АКТ соҳаси, АТ-таълим ривожининг тенденциялари, давлат ва бизнес ҳамкорлигидаги муаммолар муҳокама қилинади.

Анжуманда АКТ вазири Азим Ахмедхаджаев ва бошқалар маъруза қилишади.

Анжуманнинг ўтказилиш вақти: 22 май, соат 9.00дан 13.00гача. Тадбирга рўйхатга олиш 17 майга қадар давом этади.

АКТ вазирлиги расмий сайтида (mitc.uz) ушбу анжуманга бағишланган махсус саҳифа ташкил этилиб, у орқали исталган киши вазирга ёки бошқа спикерларга савол йўллаш имкони яратилди. Саволларга жавоблар #MITCROADMAP2018 анжуманида янграйди.

Реклама



## Жумадан жумагача

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Асқар Маминни қабул қилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир, шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди. Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан, Амирликлар инвесторларини мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Линас Линкявичус бошчилигидаги делегация аъзолари 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашди. Литва делегацияси, шунингдек, қатор вазирлик ва идораларда ҳам музокаралар ўтказди.**

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди — Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

**Пойтахтимиздаги Ботаника боғида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган асосий байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллари қатнашди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашди ва барчани байрам билан муборакбод этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Доналд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15-17 май кунлари илк расмий ташриф билан АҚШда бўлади. Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган. Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудофаа вазирлиги, Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкида икки томонлама учрашувлар ўтказади. Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёнотни имзолаши, турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламининг қабул қилиниши кутилмоқда.

# АКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МАСЪУЛ ХОДИМЛАР УЧ ЙИЛДА БИР МАРТА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТАДИ



Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тартибга кўра, ташкилотларнинг ахборот технологияларини ривожлантириш учун масъул бўлган бўлинмалари ходимлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида уч йилда бир марта аттестациядан ўтиши лозим.

# ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ИШЛАНМАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартларида Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари ташкил этилади.

Марказлар ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва ташкил этилган пайтдан бошлаб беш йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

Фармон билан марказларнинг асосий вазифалари белгиланди. Хусусан, марказлар инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширади.

Фармон билан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларига ўзларининг тармоқ ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда маблағлари Марказларнинг тадқиқотлари ва ишланмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган, жумладан, уларнинг устав капиталига кириш орқали корпоратив венчур фондларни ташкил қилиш тавсия этилди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАР ЙИЛИ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

InnoWeek
RESPUBLIKA INNOVATSION HAFTALIGI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Унга кўра, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда инновацион ғоялар муаллифларини, мазкур ғояларни амалга оширувчи ташкилотчилар ва ҳомийларни моддий рағбатлантиришни таъминлаган ҳолда, республикада инновацияларни ривожлантиришга кўмаклашган алоҳида тадбиркорлик субъектларини тақдирлаш маросимини ўтказишни назарда тутиб, республикада ҳар йили Инновацион ғоялар ҳафталиги — “InnoWeek.Uz” ўтказилади.

# ПРОКУРОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН АКАДЕМИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ




Ўзбекистон Республикаси Президенти 8 май куни “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси этиб қайта ташкил этилди.

Қарор билан академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, академияда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш ва бошқа вазифалар топширилган.


Ўзбекистон технопарклар қуриш бўйича Хитой билан ҳамкорлик қилади.

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

7 май — Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг буйруғига мувофиқ ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси юксалиши ҳамда равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган тизимдаги компания ва жамиятлар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, соҳадаги хорижий ва хусусий корхоналар раҳбар-ходимлари ва мутахассисларининг бир гуруҳи муносиб мукофотландилар.



## “МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Элликқалъа телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Нархан Садуллаевич АДАМБАЕВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Тошкент филиали Янгибозор туманлараро почта алоқаси боғламаси “Шампан” алоқа бўлими бошлиғи Муҳиддин Нуртоевич ДАДАЕВ, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Навоий радиотелеузатиш маркази Лангар РТС цех бошлиғи Нуриддин Мирзаевич МАТАГАНОВ, “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали директори Аҳмаджон Султонович САМАНДАРОВ, “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри Тўлқин Файзуллаевич ҲАИТОВлар;

## “ФАХРИЙ ЁРЛИҚ” билан

“Ягона интегратор UZINFOCOM” МЧЖ бош директори ўринбосари Бобур Сагдуллаевич АБДУЛЛАЕВ, “Ўзбектелеком” АК олий тоифали иқтисодчиси Ҳилола Абдураҳимовна АБИДОВА, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Андижон вилояти ҳудудий бўлинмаси инспектори Илҳом Ҳабибуллаевич АБСАТТАРОВ, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Самарқанд радиотелеузатиш маркази бош муҳандиси Исломиддин Искандарович АЛИҚУЛОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ халқаро ҳисоб-китоблар бўлими бошлиғи Зося Владимировна АНДРЕЕВА, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК махсус ишлар бўйича биринчи тоифали муҳандиси Муборак Абдуразоқовна ҒАФУРОВА, “UNICON.UZ” ДУК директори ўринбосари Музаффар Муҳитдинович ЖАЛОЛОВ, “Ўзбектелеком” АК “Ахборот тизимлари” филиали директори ўринбосари Анвар Нарзиевич ЖЎРАЕВ, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети кадрларни ҳисобга олиш сектори мудири Гулчеҳра Маратовна ИШАНҚУЛОВА, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Наманган филилали Тўрақўрғон туманлараро ПАБ “Катта қўрғонча” алоқа бўлими почтачиси Абдулбори Абдуллаевич ҚЎЛДОШЕВ, “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи Зуфар Камилевич ҚУРБАНОВ, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК Навоий вилояти электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Ибрагим Юсупович МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукумат лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Дилшод Ҳакимович МИРЗАЕВ, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали Бувайда ТБ бошлиғи Қурбонали Ҳайдарович МИРЗАҚОСИМОВ, “COSCOM” МЧЖ ХК секцияси раҳбари Акром Гофуритдинович НАДЖИМОВ, “Unitel” МЧЖ бош энергетиги Андрей Анатольевич НАРЕЖНЫЙ, “Universal Mobile Sistems” МЧЖ катта мутахассиси Людмила Александровна САЛЬНИКОВА, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Мобил алоқа технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси Маҳбуба Одиловна СУЛТОНОВА, “Ўзбектелеком” АК Наманган филиали капитал қурилиш бўлими бошлиғи Озод Ҳаитбоевич ЭГАМОВлар;

## “ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ” БЕЛГИСИ билан

“Матбуот тарқатувчи” АК офис-менежери Иззатулло Исматиллаевич АБДУКАРИМОВ, Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази назорат ва ҳужжатлар билан таъминлаш бўлими бошлиғи Абдунаби Абдусатторович АБДУРАСУЛОВ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси инспектори Хожалепес Сарсенбаевич АЛЛЕЙОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали Урганч туманлараро ПАБ муҳандиси Меҳрибон Ибрагимовна БОБОЖОНОВА, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Жиззах филиали Пахтакор туманлараро ПАБ “Дўстлик” алоқа бўлими бошлиғи Маржанкиз Пашановна БОТАЕВА, Давлат фелдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича фелдалоқа катта офицери Абдулла Абдураҳимович ГАФАРОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиали Қоракўл туманлараро ПАБ “Далмун” алоқа бўлими почтачиси Ислом Ибрагимович ҒУЛОМОВ, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ахборот-компютинг маркази маълумотлар базаси маъмури Равшан Талгатович ЗАБИРОВ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси махсус ишлар бўлими етакчи муҳандиси Раҳимжон Иргашбаевич ИРМАТОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Телерадиоэшиттириш тизимлари” кафедраси катта ўқитувчиси Виталий Сергеевич КАН, “Ягона интегратор UZINFOCOM” МЧЖ базавий информацион ва телекоммуникацион сервисларни эксплуатация қилиш бўлими етакчи мутахассиси Амир Ҳамидович ҚУРБОНОВ, “Ўзбектелеком” АК Жиззах филиали “Биллинг маркази” хизмати бошлиғи Ориф Турсунбоевич МАМАТҚУЛОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сурхондарё филиали ҳайдовчиси Нортожи Омонович МАРДОНОВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) мобил алоқа маркази 2-жамланган радиостанция техниги Нурали Нурилло ўғли МАҲКАМПЎЛОТОВ, “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали Гурлан ТБ электромонтёри Гулбаҳор Нуримматовна МУСАЕВА, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Сурхондарё радиотелеузатиш маркази Учқизил ишлаб чиқариш техник лабораторияси етакчи муҳандиси Мамасодиқ Абдужабборович МУСАЕВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Халқаро тезкор почта” филиали 2-сектор бошлиғи Абдулла Холмўмин ўғли НАБИЕВ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Бухоро вилояти ҳудудий бўлинмаси катта инспектори Моҳигул Ҳайдаровна НАВРЎЗОВА, “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали Бойсун ТБ электромеханиги Шерали Қудратович НАСРУЛЛАЕВ, “Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК 2395-АТСга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Баҳодир Эркинович НУРМУҲАМЕДОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Электроника ва радиотехника” кафедраси ассистенти Турсуной Усмоновна НУРМУҲАМЕДОВА, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази давлат муассасаси маркетинг тадқиқотлари ўтказиш бўлими бошлиғи Фотима Холходжаевна НУРМУҲАМЕДОВА, “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали Паркент ТБ олий тоифали муҳандиси Аширмурод Турсунмуродович НУРМАТОВ, “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали CDMA радиоости тизими ва коммутация тармоғи эксплуатацияси бўлими бошлиғи Элмурод Дилмуродович НУРМАТОВ, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Сирдарё филиали Гулистон туманлараро ПАБ Ҳамид Олимжон алоқа бўлими бошлиғи Татяна Алексеевна ОЗБЕКОВА, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Кегайли ТБ биринчи тоифали муҳандиси Арепбай Жумабаевич ПИРДАНОВ, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Қашқадарё радиотелеузатиш маркази техник эксплуатация таъминоти хизмати бошлиғи Ғафуржон Розиқович РАҲМОНОВ, Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ахборот хавфсизлиги ҳодисаларини мониторинг қилиш ва низоларни бартараф этиш бўлими етакчи мутахассиси Саидакбар Саидвалиевич СОДИҚОВ, “UNICON.UZ” ДУК бош бухгалтери Ҳикматиллахан Қудратиллаевич САЙДИВАЛИЕВ, “UNICON.UZ” ДУК радиовоситалар синов лабораторияси бошлиғи Дониёр Атхамович САФАРОВ, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази давлат муассасаси АКТ лойиҳалари мониторинги бўлими бош мутахассиси Фарҳод Самугжонович СИДИҚОВ, “UNICON.UZ” ДУК “UNICON-SOFT” МЧЖ муҳандис-дастурчиси Учқун Турғунович ТУРСУНБОЕВ, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Қўшработ ТБ 5-даражали кабелчи-пайвандловчиси Раҳматилла Нарзуллаевич ХОЛДОРОВ, “Ягона интегратор UZINFOCOM” МЧЖ бухгалтерия бўлими ҳисобчиси Нина Анатольевна ЧЕПРАСОВА, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Андижон радиотелеузатиш маркази техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси муҳандиси Мансуржон Рустамович ЧИМБЕРДИЕВ, “Электромагнит мослашув маркази” ДУК махсус ишлар етакчи муҳандиси Гулсара Шомуқимовна ШУКУРОВА, “Ўзбектелеком” АК Андижон филиали Андижон ШТБ кабелчи-пайвандловчиси Александр Викторович ЩЕТИНКИНлар тақдирланишди.



# Мардлик, бурч

## Елизавета ШИЛЛЕР: Ўзбеклар мен каби юз минглаб уруш жабрдийдаларига қайноқ бағридан жой берган

Эҳтирому эъзоздан одамнинг кўнгли тоғ янглиғ кўтарилади, меҳр ва қадрдан умрига умр қўшилиб, қувончдан кенг оламга сиғмай қолади. Шу кунларда Олмалиқ туманлараро почта алоқаси тармоғининг 5-алоқа бўлимида 30 йил почтачилик қилган уруш фахрийси Елизавета Шиллернинг мўъжазгина хонадони шогирдлари, ҳамкасблари билан ҳар қачонгидан гавжум. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида онахонни йўқлаб келувчилар янада кўпайди. Болалигининг энг шодон, қувончли кунларини асирликда, фашистларнинг концлагерида ўтказган Елизавета Михайловна учун бу дориломон кунларнинг қадри ўзгача. Онахон эҳтирому ҳурматдан сармаст. Етимликда вояга етиб, ўз ҳаётини мустақил қуришга одатланган, бахтини Ўзбекистондан топган аёл учун соҳа вакилларининг ташрифи ҳар гал байрамга айланиб кетади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Ахмедхаджаев, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев ҳамда бир гуруҳ соҳа ходимларининг келишидан онахон яйраб кетди.



— Меҳрни шу юртдан топдим, — деди Елизавета Шиллер қувонч билан. — Ўзбеклар мен каби юз минглаб уруш жабрдийдаларига қайноқ бағридан жой беришди. Буни унутиб бўладими? Йўқ, асло! Давлатимиз, шахсан Президентимизнинг биз уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган ғамхўрликларини айтмайсизми? Ҳамкасбларимизнинг илтифотларидан бошим осмонда. Ҳамма-ҳаммаларингиздан миннатдорман.

— Сиз каби фахрийларнинг иш тажрибаларингиз, маслаҳатларингиз соҳа ривожи учун жуда муҳим, — деди Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Ахмедхаджаев. — Соҳа меҳнат жамоалари номидан Алоқачиларнинг касб байрами ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан чин қалбимдан табриклайман, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Доимо соғ-саломат бўлинг.

Самимий ва дилкаш суҳбатдан сўнг соҳа раҳбари Елизаветa Шиллерга совға-саломлар, анвойи гулларни тақдим қилди.

Шу куни ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруш фахрийларига ана шундай иззату икром кўрсатилди.

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**

ЖИЗЗАХ

# Шукроналикдаги умр



Иккинчи жаҳон урушида эркаклар билан елкама-елка аёллар ҳам мардонавор жанг қилишган. Жанггоҳларда минглаб хотин-қизлар жасорат кўрсатиб, бошқаларга ибрат бўлишган. Ана шундай мард аёллардан бири жиззахлик Зубаржад БЕКТАГИРОВАдир.

Зубаржад Бектагирова 1922 йили дунёга келган. Болалиги Самарқанд шаҳрида ўтди, кейинчалик Жиззахга кўчиб келишди. 1941 йили мактабни тамомлаган Зубаржадни ҳарбий алоқачи радистлар тайёрлайдиган мактабга юборишди. Бу ердаги таҳсилдан кейин Туркманистонга қисқа тайёргарлик машғулотларига жўнатилди.

Сўнгра фронт... жангу жадал... ҳар қадамда ўлим билан юзма-юз келишдек юракка ларза солувчи, ҳар бир лаҳзаси асрларга тенг дамларни бошидан ўтказди у.

Зубаржад Калинин ва 2-Украина фронтида ҳарбий алоқачи бўлиб хизмат қилди. Руминия, Чехословакия, Венгрия, Австрияни фашистлардан озод қилишда қатнашди. Ўша талотўпларда Дмитрий Сичкаренко билан танишди. Юлдузлари-юлдузларига мос келди. Икки ёш турмуш қуришди.

Урушнинг уни ўчди. 1947 йили ҳарбий алоқачи Зубаржад турмуш ўртоғи билан Жиззахга қайтди. Аввал собиқ "Киров" хўжалигида алоқачи бўлиб ишлади. Сўнгра Жиззах шаҳар радио тармоғида турмуш ўртоғи билан биргаликда узоқ йиллар алоқачи оператор вазифасида меҳнат қилди. Ҳалол меҳнат уларни элу юртга танитди. Уч нафар фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшишди.

Бугун Зубаржад она 97 ёшни қарши олмоқда. Ҳали ҳам тетик, кўзлари ўткир, сўзлари кексаларга хос мулойим. Кўксини қатор ордену нишонлар безаб турибди. Онахон истиқомат қилаётган Жиззах шаҳар Ҳамид Олимжон маҳалласидаги 8-уйга йўқлаб узоқ-яқинлардан шогирдлари, ҳамкасблари тез-тез келиб туришади.

Зубаржад Бектагирова юртимиздаги оламшумул ўзгаришлардан қувониб, тинчлигимизга, фаровонлигимизга кўз тегмасин, дея шукроналикда умр кечирмоқда.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вазирликнинг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Акмалжон Совурбоев, ўринбосари Ғуломжон Каримов, "ЎзИ-Жиззах" филиали директори Баҳодир Эргашев, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Пардабой Тожибоевлар Зубаржад Бектагирова хонадонига ташриф буюрдилар. Улар онахонни қутлуғ кун билан табриклашиб, унга вазирлик ҳамда филиал касаба уюшмасининг совғаларини топширишди.

**Норқул МАЪМУР,
"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири**

# Ва садоқат

## НАМАНГАН

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳар қачонгидан кўпроқ иззат-икром кўрсатиш тадбирлари бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган. Жойлардаги алоқа соҳаси корхона ва ташкилотлари мутасаддилари ҳам ушбу соҳадан пенсияга чиққан уруш қатнашчилари уйларига бориб, уларга бир олам қувонч улашмоқда.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманининг Исковот қишлоғида истиқомат қилаётган тўқсон икки ёшли Топиболди ота Мадраҳимов Беларусь Республикасининг Смоленск шаҳрига урушга кетганида эндигина ўн етти ёшни қаршилаган эди. У ердаги қақшатқич жангларда матонат кўрсатган бу жангчи икки марта чап оёғидан яраланди, даволангандан сўнг яна қуролдошлари сафига қайтди.



Урушдан эсон-омон қишлоғига қайтган Топиболди ота бор кучини меҳнатга сарфлади. Дастлаб колхозда табелчилик қилди, 1962 йилдан 1986 йилгача эса Исковот алоқа бўлимини бошқарди. Суяги меҳнатда қотган қаҳрамонимиз 1986 йилда пенсия чиқса-да уйда бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Давлатдан икки гектар ер олиб, тутзор ташкил этди ва 17 йил давомида тутларни парваришлаб келди.

Байрам муносабати билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ю.Ишанов, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиали директор ўринбосари А.Мансуров, Янгиқўрғон туманлараро почта алоқаси боғламаси бошлиғи Х.Ҳамробоев ва унинг ўринбосари Б.Деҳқоновлар Топиболди ота уйига ташриф буюришиб, отахонга вазирликнинг қимматбаҳо совғаларини, акциядорлик жамияти ва касаба уюшмасининг пул мукофотлари ҳамда махсус ҳадяларини топширишди. Бир пиёла чой устидаги суҳбатда кўксини шода-шода орден ва медаллар безаб турган Топиболди ота меҳмонларга босиб ўтган ҳаёт йўли ва уруш давридаги хотираларини сўзлаб берди. Уруш қатнашчиларини ардоқлаётган Юртбошимизни дуо қилди, элу юртга тинчлик-хотиржамлик тилаб, шу дориломон кунларга етказгани учун шукроналар келтирди.

## СУРХОНДАРЁ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан яна бири Досек Мередовдир. У 1925 йилда туғилган. Ҳозирда Денов шаҳрининг Ш.Рашидов кўчасида истиқомат қилади.

Фашистларга қарши 1943 йили фронтга йўл олган Мередов 1-Украина фронти, 5-Армия, 654-гвардия полкида телеграф-радист бўлиб хизмат қилди. Польша, Австрия ва Германияни душманлардан озод қилишда иштирок этди. Урушдан кейин узоқ йиллар Денов алоқа боғламасида почтачи бўлиб меҳнат қилди.

Тўқсон уч баҳорни қаршилаган Досек бобо ҳам доимо элу юрт эъзозида умргузаронлик қилмоқда. Хонадони Денов нефтбаза корхонаси томонидан таъмирлаб берилгани отахонни янада руҳлантириб юборди. Бундай эзгу ишдан Сурхондарё вилоят алоқа корхоналари ҳам четда қолаётгани йўқ. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиали ва Денов туманлараро почта алоқаси боғламаси раҳбарлари Досек Мередов хонадонига ташриф буюришди. Отахон билан дилдан суҳбатлашиб, у кишига совғалар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топширишди.

## ФАРҒОНА

Фарғона шаҳридаги "Боғи эрам" мажмуасида вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан соҳадаги барча корхона ва ташкилотларда ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийларларга тўкин дастурхон ёзилиб иззат-икром кўрсатилди.

Ҳудудий бошқарма бошлиғи Ҳалимжон Қурбонов барчани Алоқачиларнинг касб байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни билан сидқидилдан табриклаб, уларга узоқ умр, фарзандлар камолини кўришлик бахтини тилади. Байрамона тадбирда узоқ йиллар соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган "Меҳр алоқачи" унвони соҳиби Нуъмон Каримов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими Солижон Аҳмедов, Фарғона шаҳар ТБ бошлиғи Музаффар Носиров, "Алском" суғурта компанияси Фарғона филиали директори Камолиддин Салоҳиддинов юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.



**СУРАТДА: Ҳалимжон ҚУРБОНОВ (ўнгда) ва Мўминжон РАФИҚОВ Алижон бобони зиёрат қилишмоқда.**

Ёшлар номидан сўзга чиққан ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари Жавлонбек Каримов фахрийларни чин юракдан муборакбод этиб, катта авлод анъаналарини муваффақият билан давом эттириш йўлида олиб борилаётган ишларга тўхталди.

Шу куни вазирликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳалимжон Қурбонов ҳамда вилоят алоқа инспекцияси бошлиғи Мўминжон Рафиқовлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари – Бағдод тумани Муқимий кўчасида яшовчи Алижон бобо Ғаниев, Данғара тумани Тумор қишлоғида яшовчи Мўминжон бобо Маматов ва Учкўприк тумани марказида истиқомат қилувчи Содиқжон бобо Мамаюсуповларга вазирликнинг қимматбаҳо совғаларини тақдим этдилар.

Шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали директори Алижон Ибрагимов, касаба уюшмаси раиси Миродил Маҳмудовлар ҳам Алижон бобо Ғаниев ва Мўминжон бобо Маматовларни 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Алоқачилар байрами билан муборакбод айлаб, уларга филиал совғаларини топширдилар.

**Юсуфбек ҒАФУРОВ,**
**вазирликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи**

## ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев раҳбарлигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва ёшлар вилоятнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари – Аҳмад бобо Жалилов ва Жўра бобо Ёдгоровлар хонадонларига боришиб, уларнинг ҳар бирига 5 миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари ҳамда Президент совғаси – қимматбаҳо қўл соатларини байрамона тарзда топширишди.



Шу куни уруш қатнашчиларининг хонадонида ҳарбий оркестр, вилоят санъат усталари, ёш ижрочилар томонидан янграган куй-қўшиқлар, рақслар йиғилганларга завқ-шавқ улашди.

– Бундан роппа-роса 76 йил олдин, 1942 йили урушга отланган эдим, – дейди Жўра бобо. – Мени фронтга кузатаётган яқинларимнинг юзидаги изтиробини яхши эслайман. Ҳар куни кимнингдир яқинидан қора хат келаётган, йўқчилик, ғам-алам одамларни эзиб ташлаган бир давр эди. Ўша вақтлари йиллар ўтиб мана шундай тинч, фаровон, инсон роҳат-фароғатда яшайдиган кунлар келишини ким тасаввур қилибди, дейсиз. Доимо юртимизнинг тинчлигини ўйлаётган, фарзандларимизнинг бахтли, саодатли ҳаёт кечиришини таъминлаб бераётгани Юртбошимизга минг бора раҳмат айтаман. Биз уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган бундай эътибор ва эҳтиромдан бошим кўкка етди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**
**"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири**


Ўзбекистонлик мутахассислар Хитойнинг етакчи инновацион технологиялари билан танишдилар.

# ПРИ МИНИНФОКОМЕ СОЗДАН ОБЩЕСТВЕННЫЙ СОВЕТ ПО ВОПРОСАМ РАЗВИТИЯ ИКТ



7 мая в Мининфокоме под председательством министра Азима Ахмедхаджаева прошло I заседание Общественного совета по вопросам развития информационных технологий и коммуникаций, который был создан 4 мая 2018 года при министерстве.

Основными задачами Общественного совета являются повышение прозрачности и эффективности деятельности Мининфокома путем участия в формировании и реализации приоритетных задач, повышение уровня доверия граждан к деятельности министерства, а также обеспечение тесного взаимодействия с населением и субъектами предпринимательства. Кроме того, в его задачи входит участие в обсуждении проектов нормативно-правовых актов, инициируемых Мининфокомом и другими госорганами, разработка предложений по улучшению качества госуслуг, содействие в привлечении экспертов и зарубежных IT-компаний, заинтересованных в развитии ИКТ и внедрении новых технологий на территории Республики Узбекистан.

В состав Общественного совета вошел 21 человек из различных сфер, связанных с деятельностью мобильных операторов, платежных систем, программных продуктов. Среди членов Совета и консультанты по ИКТ.

Согласно повестке дня участники заседания избрали председателя совета, им стал предприниматель, основатель Paynet и LEBAZAR.UZ Б.Арифджанов. Заместителем председателя Совета избрали директора по развитию компании «SAP» в Узбекистане Л.Адхамова.

Должность ответственного секретаря Общественного совета занял начальник Главного управления развития цифровой экономики Мининфокома С.Мирахмедов.

В ходе первого заседания Совета, члены рассмотрели проект Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию электронной коммерции». Представлен предварительный вариант проекта и Программы мер по развитию электронной коммерции на 2018-2020 годы, для рассмотрения и внесения предложений членов Общественного совета.

## КРУГЛЫЙ СТОЛ

# МИНИНФОКОМ И МОБИЛЬНЫЕ ОПЕРАТОРЫ

## обсудили вопросы улучшения качества услуг связи

4 мая в Музее истории связи глава Мининфокома Азим Ахмедхаджаев провел круглый стол с участием операторов мобильной связи и интернет-провайдеров, посвященный обсуждению вопросов дальнейшего улучшения качества услуг связи, информатизации и телекоммуникаций.

В ходе круглого стола было отмечено, что Президентом нашей страны поставлена задача увеличить в этом году скорость интернета в 8-10 раз. Для того, чтобы сделать это, необходимо решить комплекс задач, начиная от совершенствования законодательства до привлечения крупных инвестиций. Ведется работа по упрощению процедур лицензирования, выдаче разрешений и многое другое.

Необходимо отметить, что количество жалоб на качество услуг связи постоянно растет. Только за первый квартал этого года число обращений превысило 1,5 тысячи. Анализ статистики показывает, что большинство обращений касаются: услуг интернета – 349 обращений (22%), фиксированной связи – 272 обращения (17%), мобильной связи – 275 обращений (17%), почтовой связи – 153 обращения (10%) и телерадиовещания – 77 обращений (5%).

7 марта этого года Кабинетом Министров Республики принято постановление «О мерах по дальнейшему улучшению качества услуг связи, информатизации и телекоммуникаций». Этим постановлением, в частности, поручено разработать и утвердить Положение по начислению и применению финансовых санкций (штрафов) за нарушения требований нормативно-правовых актов, стандартов, качества предоставляемых услуг в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.

Инспекция по контролю в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий совместно с ГУП «UNICON.UZ» разработала проект данного документа. Он позволит усовершенствовать систему государственного контроля и применения финансовых санкций (штрафов) за нарушение требований нормативных актов по оказанию услуг сетей телекоммуникаций, способствует обеспечению стабильной, бесперебойной работы и надежного функционирования сетей телекоммуникаций, а также обеспечению защиты прав потребителей в части получения качественных и своевременных услуг связи, информатизации и телекоммуникаций.

Данное Положение.распространяется на хозяйствующие субъекты, которые осуществляют деятельность в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий, включая распространение периодических печатных изданий, независимо от формы собственности и ведомственной принадлежности.

В ходе круглого стола операторам была предоставлена возможность вынести на повестку дня проблемные вопросы телеком-рынка, рассказать о бюрократических барьерах, встречающихся в деятельности мобильных операторов и интернет-провайдеров.

Подобные встречи будут проходить на регулярной основе.

## 9 МАЯ – ДЕНЬ ПАМЯТИ И ПОЧЕСТЕЙ

# «БОЛЬШОЕ СЕРДЦЕ ТАШКЕНТА»



День Памяти и Почестей – праздник грусти, почтения, гордости и глубокой благодарности всем, кто обеспечил победу во Второй мировой войне. В Узбекистане на начало войны проживало около 6,5 миллиона человек, из них 1,5 миллиона участвовали в боевых действиях. На полях сражений погибло более 500 тысяч наших соотечественников, многие пропали без вести или вернулись инвалидами. Можно сказать, что все остальное население республики участвовало в трудовом фронте.

В преддверии праздника на факультете телевизионных технологий ТУИТ имени Мухаммада аль-Хоразмий состоялась творческая встреча с ветераном узбекского телевидения Борисом Бабаевым, одним из авторов документального фильма «Большое сердце Ташкента». Этот фильм, рассказывающий о подвиге Ташкента в военные годы, и был показан студентам и преподавателям факультета. В фильме многие известные люди – Юрий Стоянов, Иосиф Кобзон, Дина Рубина – рассказывают как их самих и их семьи, всех эвакуированных тепло встречали в Узбекистане, как делились куском лепешки и пиалой воды и считали членами своей семьи. В годы войны Узбекистан принял 1,5 миллиона человек, из них 400 тысяч детей и в их числе 200 тысяч сирот. Ташкент тогда называли городом спасения. Здесь жили и творили в эвакуации многие знаменитые писатели, поэты, режиссеры, были созданы произведения, вошедшие в сокровищницу мировой культуры. В фильме в интервью послов Германии и Израиля, главы представительства ЮНЕСКО в Узбекистане прозвучали одинаковые мысли, что подобного примера мир не знал и не знает, что это – одна из ярчайших страниц в истории человечества и её нужно вносить в учебники истории во всех странах, что в очень тяжелые годы один Узбекистан принял полтора миллиона человек, а сейчас благополучная Европа с трудом принимает миллион беженцев.

В отличие от других творческих встреч после фильма не было много вопросов: все показано и сказано ярко и емко. Были подчеркнуты значения решений Президента возвратить памятники семье Шамахмудовых и генерала Собира Рахимова на их первоначальные места и возвратить такие замечательные названия – «Дружба народов»!

**А.АБДУРАХИМОВ,**
**преподаватель ТУИТ**

# АХБОРОТ-КУТУБХОНАЛАРГА ЯХШИ ҚИДИРУВ ТИЗИМИ КЕРАК

> Китоб мутолааси, унинг тарғиботига қанча катта эътибор берилаётган бўлса, китобхонларга қулай шароитлар яратиб бериш ва ахборотлар қидирувини яхшилашга ҳам шунча эътибор лозим.

Инсон пайдо бўлганидан ҳозирги кунга қадар жуда кўплаб ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Ҳар бир даврнинг ўзига хос, ўзига мос янгиликлари, кашфиётлари вужудга келди. Илк бор оловни кашф этишди, мис, темир қуроллар ишлатишни, янги ерларни забт этишни бошлашди. Шундан сўнг инсон ўзи қилган ишларни бошқалар билан баҳам кўришга киришди.

Авлодлардан авлодларга ўзларининг удумларини, урф-одатларини қолдиришга воситалар қидирила бошланди. Хуллас, қоғоз ихтиро қилинди. Инсонлар ўз тафаккурини, зеҳнини қоғозларга тушира бошлашди. Китоблар, ундан сўнг кутубхоналар пайдо бўлди. Минг йиллар давомида катта маълумотлар базаси шакллана бошлади. XXI асрга келиб эса бундай ахборотлар кенглиги миллион марталаб кенгайиб кетди. Ҳозирги кунда эса миллионлаб ахборотларни бир кунда қабул қилиб, қайта узатадиган BIG DATAлар ривожланиб бормоқда.

Кутубхоналарда ҳам ахборотлар оқими анча жадаллашиб, ўтган асрнинг 80-90-йилларига қараганда бугунги кунда ахборотлар оқими, ресурсларининг 10-20 баробар кенгайиши кузатилмоқда. Ахборотлар ва ахборот ресурсларининг кенгайиши ўз навбатида уларга бўлган қидирувнинг ҳам такомиллашишига сабабчи бўлади. Босма ташувчилар билан хизмат кўрсатиш ўрнига электрон шаклдаги турли ресурсларнинг пайдо бўлиши "электрон кутубхоналар"нинг пайдо бўлишига олиб келди. Электрон кутубхоналар ва уларга мос инфратузилмаларнинг яратилиши бутун жаҳонда авж олиб кетди.

Ҳозирги кунда АКМ ва АРМларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш учун яхши маълумотлар қидирув тизими керак. Кутубхона фойдаланувчилари унинг ресурсларидан унумли фойдаланиш учун кутубхоналар очиқ маълумотлар базасига эга бўлиши лозим. Кейинги йилларда компютер ва тармоқ технологияларининг шиддат билан ривожланиши, янги турдаги ахборот ташувчиларнинг пайдо бўлиши анъанавий усулда хизмат кўрсатаётган кутубхоналар фаолиятини кескин ўзгартириб юборди. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, кутубхоналарда фондлардан ахборотлар қидируви жараёни ҳам янги босқичга чиқиши лозим. Хусусан, кутубхоналарнинг расмий сайтларида рўйхатдан ўтиш ёки ўтмасликдан қатъи назар, уларнинг фондидаги ресурслар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини яратиш лозим.



Юқоридаги фикримизга баъзи бир кутубхоналар фойдаланувчилари эътироз билдиришлари мумкин. Ҳа, албатта, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонамиз ёки Республика ахборот-кутубхона марказида бундай механизм яхши ишлаётгандир, аммо бутун республикадаги АКМ ва АРМларнинг ресурслар сегментига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада кўпгина камчиликларни кўрамиз. Ўзбекистонга донги кетган ва ахборот-ресурс марказларининг унга уланиши қатъий тавсия этилаётган "Портал" муаллифлари ҳам баъзида "электрон кутубхона" яратдик деб даъво қилишади. Аслида бу "портал" орадан бир неча йил ўтгач, ўзининг маълумотлар базасидаги ахборотларни қидириб топишга жуда қийналиб қолади. Умуман, электрон ресурслардан чекиниб, фондга қилинадиган мурожаатларда ҳам ўта анъанавийлик мавжуд.

Замонавий технологиялардан фойдаланиб, кутубхоналарга ташриф буюрадиган китобхонларга кириш жойларига экранлар воситасида очиқ маълумотлар базасини бериб туриш фойдали, назаримизда. Шунда китобхонлар фонддан ўзларига керакли адабиёт ҳақида етарлича маълумот олишлари мумкин бўлади. Бу ахборотлар қидирувини яхшилаб, китобхонларга яна ҳам қулайликлар яратади. Умуман олганда, қидирув жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, фойдаланувчилар ўзларига керакли ахборотни турли усулда берса ҳам натижани чиқариб берадиган алгоритмлар асосида ишлайди. Қайси бўлимда, қайси қаторда эканлигини масофавий билган китобхон кутубхонада бемалол ўзига керакли адабиётни топиб олиш имконига эга бўлади.

Бунда кутубхоначи ходимларнинг ҳам иш жараёни осонлашади. Чунки баъзида фойдаланувчилар кўп ташриф буюрганида кутубхоначи ходимлар улгурмаслиги, шунингдек, керакли ахборотларни тўлиқ бермасликлари, китобхонларга нотўғри муносабатда бўлишлари мумкин. Бунда китобхоннинг кутубхонага бўлган муносабати кескин пасайиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Агар китобхон ўзига керакли адабиётни ёки ҳужжатни масофадан қидириш натижасида ҳеч бўлмаганида мета-маълумотлар — муаллифи, номи, жойлашган жойи, фонд шакли, хуллас, шу каби маълумотларига эга бўлса кутубхоначиларга ҳам ортиқча эҳтиёжлари бўлмайди. Бу оддий бирор қидирув технологияси, шунингдек, оддий электрон доскада ифодаланган фонд жадвали, ундаги қисқа ва кенгайтирилган қидирув тизими ёрдамида фойдаланувчига хизмат кўрсатиш имкониятини вужудга келтиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирда юртимизда китоб мутолааси, унинг тарғиботига қанча катта эътибор берилаётган бўлса, китобхонларга қулай шароитлар яратиб бериш ва ахборотлар қидирувини яхшилашга ҳам шунча эътибор лозим. Қолаверса, ахборот технологиялари юксак ривожланаётгани сайин фойдаланувчиларнинг ҳам ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш (айниқса, ишончли ахборотлар билан), муҳим масала бўлиб қолмоқда. Интернет кенгликларида эса кунига гигабайтлаб ахборотлар видео, аудио, матн, турли графика кўринишларида юкланилмоқда. Жадаллашишнинг ушбу тенденцияларида эса ахборотлар қидируви, уларга керакли сўровлар юбориш, фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондиришда қайта алоқа ўрнатиш муҳим омил бўлиб қолмоқда.




**Сардор ХОЛБОЕВ,**
**ТАТУ 4-босқич талабаси**


"Ўзбектелеком" АК
"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Хотира ва Қадрлаш куни
муносабати билан юртдошларимизга тинчлик, оилавий хотиржамлик тилаб қолади.
АЗИЗЛАР, БИР-БИРИМИЗДАН МЕҲР-МУРУВВАТНИ ДАРИҒ ТУТМАЙЛИК!


"Ўзбектелеком" АК
"ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларига
Хотира ва Қадрлаш куни
муносабати билан чуқур ҳурмат, эҳтиром ва эзгу тилакларини йўллайди.


"UNICON.UZ" ДУК
жамоаси
Юрт ривожига муносиб ҳисса қўшган барча фахрийларга Хотира ва Қадрлаш кунида узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.
Қадрингиз доимо баланд бўлсин, азизлар!


"Ўзбектелеком" АК
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Азиз фахрийларимизни юртга беқиёс садоқатларини эътироф этган ҳолда ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ куни билан табриклайди.


"ЭЛЕКТРОМАГНИТ
МОСЛАШУВ МАРКАЗИ" ДУК
жамоаси
Хотира ва
Қадрлаш куни
муносабати билан юртдошларимизга
энг эзгу тилакларини йўллайди.
Гўзал инсоний туйғулар қалбларимизни
ҳеч қачон тарк этмасин!


"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК
БУХОРО ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ
БАРЧА ҲАМКАСБЛАРИНИ
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙДИ.
Жонажон юртимизда
доимо тинчлик ҳукм сурсин!


"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ
Бетакрор Ўзбекистон
заминида меҳнат қилаётган
барча алоқачиларни
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.
Меҳнатларингиз роҳатини
кўриб юринг, азизлар!


"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" АЖ
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ
Алоқа соҳасида меҳнат қилаётган
барча ҳамкасбларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қутлайди.
O'ZBEKISTON
POCHTASI
Омад ва бахт доимий
ҳамроҳингизга айлансин!

# МОБИЛ ТЕЛЕФОН ва САРАТОН – боғлиқлик борми?



**Охирги маълумотларга қараганда, мобил телефонлар кўпайгани сайин одамларда бош мия ўсимтасининг агрессив кўриниши — глиобластома кўп учраяпти. Тадқиқотчилар бу икки факт ўртасида боғлиқлик бор-йўқлиги ҳақида аниқ бир нарса дейишга иккиланиб турищибди, балки шунчаки тасодифдир...**

> “Йигирма йиллар олдин ҳар 100 минг кишидан 2,4 кишида глиобластома учраган бўлса, ҳозир ҳар 100 минг кишидан 5 нафарида шу касаллик топиляпти.”

Британ олимлар ўтказган сўнгги ўрганишлар яна мобил телефонлар хавфсизлиги ҳақида бош қотиришга ундайди — охирги 20 йилда бош мияда глиобластомалар учраши икки марта кўпайган. Аниқ сабабини ҳеч ким билмайди, аммо олимларда шубҳа уйғотаётган нарсалардан бири айнан мобил телефонлардир. Мазкур тадқиқот Journal of Environmental and Public Health нашрида батафсил ёритилди.

Олимлар Буюк Британияда охирги 20 йил давомида кузатилган 80 мингта бош мия ўсимтасига доир ҳолатни чуқур таҳлил қилишди. Агарда 1995 йили глиобластомадан 1250 киши азият чеккан бўлса, 2015 йилга келиб бир йил давомида қарийб 3000 кишида саратоннинг шу тури аниқланган.

Йигирма йиллар олдин ҳар 100 минг кишидан 2,4 кишида глиобластома учраган бўлса, ҳозир ҳар 100 минг кишидан 5 нафарида шу касаллик топиляпти.

Ўсимта бошнинг айнан чакка қисмида юзага келаётгани тадқиқотчиларнинг диққатини тортди: “Балки мобил ва симсиз телефонлардан фойдаланиш ўсимтани юзага келтираётгандир”.

“Тадқиқотлар мобил телефонларни эмас, балки ўсимталарни ўрганишга бағишланган. Шунга қарамай, телефонлар катта эҳтимол билан уларнинг пайдо бўлиши бош сабабчисидек туюлмоқда”, — дейди тадқиқот етакчи муаллифи Аласдер Филипс.

Филипснинг айтишича, глиобластомалар жуда кам учрайди, ҳатто мобил телефонлар уларнинг пайдо бўлиши эҳтимолини келтириб чиқарганда ҳам, хавотирга тушиш учун жиддий асослар йўқ.

“Биз олган натижалар ушбу тенденцияни келтириб чиқарган механизмларни янада чуқурроқ ўрганишга ундайди. Хавф омилларини инкор этиш, фақат даволанишга эътибор қаратиш нотўғри”, — дейди шу тадқиқотда қатнашган профессор Денис Хеншоу.

Мобил телефонларнинг мияга таъсири ўрганилган бошқа тадқиқотлар натижалари бирбирини инкор этмоқда. Бирида мобил телефон зарарсиз дейилса, бошқасида бунинг акси.

“Journal of Environmental and Public Health нашридаги мақолада, назаримда, ўсимталар сони ўсиб боришини тасдиқловчи статистик маълумотлар етарли эмас”, — дейди Оксфорд университетининг тиббиёт физикаси ва клиник муҳандислик бўлими директори Малколм Сперрин.

“Мақолада ўсимтанинг бир тури кўпайиб бораётгани кўрсатиб берилган. Аммо мобил телефонга боғлиқлиги исботланмаган. Тадқиқот қамраб олган йилларда аҳолининг мобил телефонлардан фойдаланиши 15 фоиздан 95 фоизга чиққан, ҳолбуки, бош мия ўсимталари сони бу даврда бунчалик кўпаймаган. Бу шундан далолат берадики, мабодо мобил телефонлар саратон хавфини туғдираётгани рост бўлса ҳам, бу жуда оз миқдорда”, — дейди эпидемиолог Лев Шаҳаб.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, глиобластомалар кўпайишига кўпроқ инсонлар турмуш тарзининг ўзгараётгани сабаб бўляпти.

“Айни пайтда мобил телефонлар ва бош миядаги ўсимталар ўртасидаги боғлиқлик — тахмин, холос. Бироқ саратон хавфни келтириб чиқарувчи бошқа омиллар ҳам борки, буларга қатъий риоя қилишимиз керак. Соғлом овқатланишга ўтиш, алкогол ва тамаки маҳсулотларидан воз кечиш керак”, — дейишмоқда тадқиқот муаллифлари.

## КРОССВОРД

**ЭНИГА:**

**1.** Италян физиги ва кимёгари. **4.** Чалкаш йўллардан иборат тузилма. **9.** Аляска ити. **10.** Ғарб. **11.** Антилопа тури. **12.** Кенг фюзеляжли самолёт. **13.** Мўғул феодали. **16.** Кавказ дарёси. **18.** Антик чўт. **19.** Шимолий Европа пойтахт шаҳри. **22.** Механикадаги асосий катталиклардан бири. **24.** Шеър тури. **26.** ... ўқиш. **29.** Диаметрнинг ярми. **30.** Сув йўли. **31.** Магнитоланинг аждоди. **32.** Сувости товушларини тутгич. **33.** Кенглик.

**БЎЙИГА:**

**1.** Қирғиз ёзувчиси. **2.** В.Гюгонинг "Хўрланганлар" романи қаҳрамони. **3.** Тўғон. **5.** Испан футбол клуби. **6.** Ҳиндистондаги шаҳар. **7.** Юздаги кулги. **8.** Телеканал. **14.** Мучал. **15.** Чўл (Жанубий Америка). **16.** Йўловчи транспорти. **17.** Цитрус мева. **20.** Аборигенлар қуроли. **21.** Иноқлик. **23.** Кийим тури. **25.** Алпинистлар сўқмоғи. **26.** Увол. **27.** Ҳар сафар. **28.** Одиссейнинг ватани.



## ЭЪЛОН!

**Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади**

**Доцентлар:**
"Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти" кафедраси — 1, "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси — 1.

**Катта ўқитувчилар:**
"Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси — 1. "Электроника ва радиотехника" кафедраси — 1, "Чет тиллари" кафедраси — 1, "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш" кафедраси — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**
"Энергия таъминлаш тизимлари" кафедраси — 1, "Информатика асослари" кафедраси — 1, "Олий математика" кафедраси — 1, "Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти" кафедраси — 1, "Физика" кафедраси — 1, "Ахборот-кутубхона тизимлари" кафедраси — 1, Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари" кафедраси — 1, "Электроника ва радиотехника" кафедраси — 1, "Ахборот таълим технологиялари" кафедраси — 1, "Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти" кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Телефон: 238-64-06.**

 Расман: "ZTE" компанияси смартфонлар савдосини тўхтатди.

# КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ





## Доменлар

Интернет манзилининг охирги нуқтадан кейинги қисми — домен сайтнинг тегишлилигини билдиради. Масалан, .UZ — Ўзбекистон, .RU — Россия, .BIZ — бизнес ва ҳоказо.




**www.xabar.uz**

Очиқ маълумотлар узатиш тармоғига тегишлилигини билдиради

Хос манзил

Сайтнинг муайян мамлакатга тегишлилиги ёки мавзусини кўрсатади

2

## 13-ДАРС. Интернетда ишлаш.

### Браузернинг манзил қатори

Браузернинг асосий қатори — манзил ёзиладиган қисми тепасида жойлашади (1).

Айнан шу жойга манзилини ёзсангиз, сиз экранингизда кўришни истаган сайт саҳифаси очилади. Масалан, xabar.uz (янгиликлар ва таҳлилий мақолалар), olx.uz (онлайн савдо-сотиқ эълонлари), stadion.uz (футбол хабарлари). Ном киритилганидан сўнг “Enter” клавишини босасиз.

Ҳар бир саҳифанинг интернетда хос манзили бор. Худди почта манзил тўғри ёзилса жўнатмани тўғри етказганидек, интернетда ҳам керакли сайтга кириш учун унинг манзилини тўғри киритиш керак. Почтадан фарқи, бунда битта ҳарф ҳам хато ёзилмаслиги керак: масалан, xabar.uz ўрнига habar.uz ёки olx.uz ўрнига olex.uz ёзсангиз бу сайтлардаги саҳифаларни оча олмайсиз (айрим истиснолар бор: баъзи компаниялар мана шу хусусиятни инобатга олиб ўз сайтлари номига ўхшаш ёки хато номларни ҳам банд этиб қўйишади — манзил хато киритилса ҳам сиз асосий сайтга кира оласиз).

Сайтлар номлари қўшиб ёзилади, нуқта ва чизиқча билан ажратилиши мумкин, лекин вергул ишлатилмайди, камдан-кам ҳолларда узун чизиқ ишлатилади.

Олтин қоида: манзилар доим лотин алифбосида ёзилади.

Манзил қатори асосан уч қисмдан иборат бўлади (2).

Интернетда энг оммалашган домен бу — .COM. Тижорий фаолият билан шуғулланувчи, умуман, глобал кўламда ишловчи компания интернетдаги ўз номида .COM домени бўлишига интилади.

.GOV домени — ҳукумат муассасаларига тегишли. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси интернет манзили — pm.gov.uz.

Албатта, барча керакли сайтлар манзилини эслаб қолишнинг асло иложи йўқ. Бу борада сизга интернетдаги қидирув тизимлари ёрдам беради. Масалан, энг оммалашган Google.com ёки Yandex.ru. Сиз бу сайтларга кириб ўзингизга керакли сўзларни киритсангиз, интернетдаги барча маълумотлар асосида сизга керакли сайтлар рўйхатини чиқариб беради. Дейлик, сиз маълум бир кинофилмни кўрмоқчисиз ёки телефон сотиб олмоқчисиз. Номларини киритсангиз улар ҳақидаги барча ахборотга эга бўлишингиз, филм томоша қилиб, ўзингизга керакли телефонни сотиладиган сайт ёки манзилни топишингиз мумкин.

### Гиперҳаволалар

Интернет кенгликларидаги барча хатти-ҳаракатлар гиперҳаволаларга қурилган. Масалан, илмий-оммабоп китоблар, мақолаларда бошқа муаллифларнинг китобларига (фойдаланилган адабиётлар) ҳаволалар келтирилади. Шундай экан, сиз интернетда бironта мақолани ўқиш учун сайт саҳифасини очарКансиз, бевосита мавзуга доир бошқа мақолалар билан ҳам танишасиз. Бундай сайтга энг яхши мисол — Wikipedia.org онлайн энциклопедияси.

Гиперҳаволалар матн ёки сўз, ибора, гап ёки суратдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Улар бошқача шрифт ёки ранг билан белгиланади. Курсор уларнинг устига олиб борилганда кўрсаткич бармоқли қўл шаклига айланади.

### Саҳифани “Закладки” (“Хатчўплар”) бўлимига жойлаш

Браузернинг манзил ёзиладиган қатори охирида юлдузча сурати бор. Бу сурат босилса ойна пайдо бўлади: “Готово” (“Тайёр”) ёрлиғини боссангиз сиз кўриб турган саҳифа “Хатчўп”лар” бўлимида сақланади.

“Хатчўп”ни очиш учун:

1. Браузер тепа ўнг бурчагидаги “Настройки” (“Созламалар”) бўлимига ўтинг.
2. “Закладки”ни танланг.
3. Пайдо бўлган рўйхатдан кераклисини танланг.

*(Давоми бор.)*

Сабоқларимизни кузатишда давом этинг! 14-дарсимиз интернетда маълумотларни қидиришга бағишланади.

МАСЛАҲАТ

# Интернет йўқлигида Chrome браузеридан қандай фойдаланса бўлади?

Ҳозир интернетсиз “яшаш”ни тасаввур қилиш қийин. Шунга қарамасдан интернет узилиб туриши бор гап. Нима қилиш керак?

Ташвишланманг, агарда компютерингизда Google Chrome веб-браузери бор экан, интернетсиз ҳам ишлаб, ҳам вақтингизни кўнгилли ўтказа оласиз.

### Электрон почта

Аксарият фойдаланувчилар браузердаги почта аккаунтини онлайн тартибида очишади. Бу қулай, ҳеч қандай қўшимча ўрнатмалар керакмас, аммо интернет узилиб қолса-чи? Gmail фойдаланувчилари Chrome браузерига Gmail Офлайн кенгайтмасини ўрнатиб олишлари мумкин, шунда электрон почта қутисига келган хатлар локал дискда автоматик равишда сақлаб борилади. Кенгайтма офлайнда янги хатларни жўната олмайди, лекин фойдаланувчи келган хатларни интернет узилгунича кўриши ва ҳатто уларга жавоб ёзиши мумкин. Бу хатлар интернет ёнганидан кейин автоматик тарзда жўнатилади. Кенгайтмани ўрнатгандан сўнг офлайн режимини ёқиш, созламалардан синхронизация даврийлигини (бир, икки ҳафта, ой) танланг. Шундан кейин ҳар сафар интернет уланганида илова локал дискдаги нусхаларни почта қутисидаги билан синхронлаштириб боради.

### Google Диск

Google Диск ва унинг иловалари — Ҳужжатлар, Жадваллар ва Тақдимотларни, агарда интернет узилиб қолгунига қадар Диск созламаларида фаоллаштириб қўйилса, муқобил режимда ҳам ишлатса бўлади. Фаоллаштирилганидан кейин “булут”-да сақланаётган охирги файллар компютер локал сақлагичи билан синхронлашади, бироқ катта ўлчамга эга видео ва мусиқа каби объектларни дискка қўлда кўчиришга тўғри келади. Офлайн режимида янги файллар яратиш, мавжудларини эса таҳрир қилиш мумкин. Интернет ёқилганидан кейин бу ўзгартиришлар “булут”дагилари билан синхронлашади.

### Видео ва мусиқа

Муқобил режимда ишлаётган Chrome браузери билан интернетдаги филм ва мусиқалардан фойдалана олмайсиз. Бироқ браузер учун локал файллар чўт эмас. Хоҳ компютер, хоҳ флешкадан бўлсин исталган филм ёки мусиқани браузернинг бўш “вкладкаси” (ёрлиғи) устига олиб келсангиз намойиш бошланади — хуллас, таппа-тайёр плеер.

### Мақолалар

Chrome дўконида қизиқарли мақолаларни ўқиш ва сақлаш имконини берувчи Pocket Web иловаси бор. Pocketнинг ўзига хослиги шундаки, сақланган ҳужжатларни муқобил режимда ўқиса бўлади. Интернет ёниқлигида кейинчалик ўқиш учун жуда кўп китобларни кўчириб олиш мумкин.

### Ўйинлар

Chrome фойдаланувчиларга Супер Мариодан тортиб афсонавий тетрисгача ўйинларни тақдим этади. Фақат буларни интернет ўчмасидан аввал ўрнатиб олиш керак. Умуман, Chrome дўконида жуда кўплаб бепул фойдали иловалар қаторида ўйинлар ҳам бор. Уларни танлаш учун офлайн-иловалар бандини белгилаб қўйиш керак. Қачон интернет узилганида Chromeнинг “Интернетга уланиш мавжуд эмас” деган стандарт ойнаси экранда пайдо бўлади. Ва аксинча, бир пайтнинг ўзида “сирли” ўйин ҳам ишга тушади. Саҳифанинг тепа қисмидаги динозаврча “жонланади”. У пробел ёрдамида бошқарилади.

**С.АҲАДОВ тайёрлади**

МЕССЕНЖЕРЛАР

## WhatsApp: эҳтиёт бўлинг, “матнли бомба”

WhatsApp фойдаланувчилари янги хавфдан огоҳлантирилди: у матнли хабарлар кўринишида келиб, iOS ва Android базасидаги смартфонларни блоклаб қўяди.

Бу хабарлар ичида минглаб матнли белгилар яширилган, улар смартфонни секинлатиб қўяди, нафақат иловаларни, ҳатто тизимни ҳам блоклай олади. Натижада смартфонни ўчириб-ёқишга тўғри келади.

Одатда зарарли хабарлар бироnта қизиқарли хабарга тавсия маъносида келади, масалан, "This is very interesting (смайл)... Read more" (“Бу жуда қизиқ (смайл) ... Кўпроқ ўқиш”) каби. Бундай хабар очилганида “матнли бомба” ишга тушади.

WhatsAppни “ҳаётга қайтариш” ва тиклаш учун нафақат келган хабарни, балки бутун бошли чатни ўчириб ташлашга тўғри келади.

ХАВФСИЗЛИК

## Бир йил давомида интернет фойдаланувчилари 172 млрд. доллар пулидан айрилган

2017 йили интернет-фирибгарлардан 20 мамлакатда яшовчи 978 миллион фойдаланувчи зарар кўрди, жами ўмарилган пул 172 миллиард долларни ташкил этди.

Norton Cyber Security Insights компаниясининг киберхавфсизлик бўйича ҳисоботига кўра, товламачилар турли усуллардан фойдаланишган: интернет-дўконлардаги алдовлар, кредит карталар эгаларини чув тушириш, онлайн тўлов воситаларини қўлга киритиш.

Мана шу ҳисоботга кўра, интернетдаги товламачилар тўрига тушган ҳар бир фойдаланувчи ўртача 142 доллардан йўқотган.

Хитой. Энг кўп жабр кўрган мамлакат — жами 353 млн. фойдаланувчининг 66 млрд. доллар маблағи қулоғини ушлаб кетди.

Ҳиндистон. 186 млн. киши 18,5 млрд. долларидан айрилди.

АҚШ. 143 млн. кишини ёки мамлакат катта ёшли аҳолисининг ярмидан кўпини онлайн фирибгарлар алдаб кетишди. Етказилган зарар — 19,5 млрд. доллар.

Бразилия. 62,2 млн. фойдаланувчи 22,5 млрд. доллар йўқотди.

ТОП-10даги қолган мамлакатларга етказилган зарар қуйидагича: Индонезияда 59,5 млн. киши (3,2 млрд. доллар зарар кўрган), Мексикада 33,2 млн. киши (7,7 млрд.), Германияда 23,4 млн. фойдаланувчи (2,6 млрд.), Францияда 19,3 млн. киши (7,1 млрд.), Японияда 17,7 млн. киши (2,1 млрд.), Буюк Британияда 17,4 млн. киши (6 млрд. доллар) жабр кўрган.

ХАВФСИЗ ШАҲАР

## “Хатолар” жиноятчиларни тутишда ёрдам берди

Британия юзни таниш тизими Кардиффда тўққиз ойда 173 шубҳали шахсни аниқлади.



Кардиффдаги “Миллениум” стадионига шахсни юзидан аниқлаш тизими ўтган йил ёзида УЕФА чемпионлар лигаси финали арафасида ўрнатилган эди. Шубҳали шахсларнинг 500 мингдан ортиқ суратлари дастурга жойланиб, стадионга келувчиларни таниб олиш ўргатилди. Ва полиция стадиондаги камералар ёрдамида натижаларни онлайн орқали олишни бошлади.

Ўтган даврда тизим берган 2470та хабарнинг 2297таси ёлғон бўлиб чиқди. Аммо шунинг ўзи ҳам 450дан ортиқ жиноятчини қўлга олиш учун кифоя қилди.

МОБИЛ АЛОҚА

## T-Mobile компанияси Sprintни сотиб олади

Ҳар икки компания вакиллари буни расман маълум қилишди, шартнома қиймати 26 млрд. долларга баҳоланмоқда.

T-Mobile АҚШ мобил операторлари орасида учинчи ўринда, Sprint тўртинчи ўринда туради. Гарчи бу икки компания қўшилишидан умумий қиймати 146 млрд.лик компания юзага келса-да, барибир, икки етакчи билан ўртада сезиларли тафовут сақланиб қолади: AT&T — 216 млрд. доллар, Verizon — 212 млрд. доллар.

Аммо иккинчи томондан қўшма корхона етакчи мавқега чиқади, унинг абонентлари сони 127 миллион кишига етади. Солиштирадиган бўлсак, Verizon 116 млн., AT&T 93 млн. абонентга эга.

Битта муаммо бор: агарда тегишли органлар аралашса T-Mobile ва Sprint битими амалга ошмай қолади. 2014 йилги ана шундай уриниш Барак Обама маъмурияти томонидан тўхтатилганди.

СМАРТФОНЛАР

## Meizu компанияси 15 йиллигини янги смартфонлар билан нишонлади

Булар: Meizu 15 Plus, Meizu 15 ҳамда Meizu 15 Lite.

Янги смартфонлар 16:9 нисбатдаги дисплейларга эга: Meizu 15 Lite ва Meizu 15да диагонали 5,46, Meizu 15 Plusда 5,95 дюймга тенг. Учала смартфон экрани мустаҳкам 2.5D ойна билан қопланган.

Уларнинг ичида энг мукаммали Meizu 15 Plus 64-битли Samsung Exynos 8895 микропроцессори билан таъминланган. Оператив хотираси — 6 ГБ, ички хотираси — 64 ГБ.

**С.ТЕМИРОВ** тайёрлади

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## АҚШ – Эрон: Муносабатлар жиддийлашмоқда

Эрон президенти Ҳасан Руҳоний АҚШ президенти Доналд Трампнинг ядро келишувидан чиқиш тўғрисидаги баёнотига муносабат билдирди. Руҳоний телемурожаат орқали миллатга юзланиб, ҳукумат ҳар қандай ҳолда ҳам дастурдан оғишмай иш олиб боришини билдирди. Унинг таъкидлашича, Эрон Вашингтон иштирокисиз “бешлик медиатор давлатлар” билан ишлашга тайёр. Давлат раҳбари мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига шу кунларда Хитой, Россия ва Европа билан музокаралар ўтказиш топшириғини берган. “Эрон сўзида турган, АҚШ эса ҳар доимгидек буни эплай олмади. Биз бугун тарихий тажрибани бошдан кечирдик”, деди Эрон президенти.



Европа ташқи сиёсий масалалар бўйича Олий вакили Федерика Могерини ҳам бир вақтнинг ўзида баёнот билан чиқиш қилди. “ЕИ ўз манфаатларидан келиб чиқиб қарор қилади. Шунингдек, биз хавфсизлик ва иқтисодий қизиқишларимизни ҳам унутмаймиз”, деди у.

АҚШнинг бу баёноти Саудия Арабистонида ҳам ўзига хос акс-садо берди. СА ташқи ишлар вазири Одил Ал-Жубайрнинг айтишича, агар Эрон ядровий келишувдан чиқиб кетса, унинг мамлакати ўз ядровий қуролини яратиш бўйича ишларни бошлайди. Қироллик ядровий қуролнинг тарқатилишига қарши чекловларни қабул қилишдан бош тортмоқда. Ҳозирда қиролликка ядровий реакторларни АҚШ етказиб беради.

## Руминия элчихонаси Қуддусга кўчирилмайди

Руминия президенти Клаус Йоханнис бош вазирнинг ўзбошимчалик билан мамлакатнинг Исроилдаги элчихонасини Тел-Авивдан Қуддусга кўчириш борасидаги хатти-ҳаракатларини қоралаб, ушбу зиддиятли масалага нуқта қўйди. “Биз ташқи сиёсатимизни хоҳиш-истакларимизга қараб эмас, балки халқаро қонунчиликка асосланиб юритишим лозим”, деб айтди жаноб Йоханнис.

## Қозонда Шариатга мувофиқ бизнес юритиш мактаби очилди

Татаристон пойтахти Қозонда Халқаро Ислом бизнеси, иқтисодиёти ва ҳуқуқи мактаби очилди. Бу ерда таҳсил олган 150 нафар талаба Шариатга мувофиқ иш юритиш кўникмаларини эгаллаганлиги тўғрисида КФУ (Қозон), BIBF (Баҳрайн) ва DIEDC (Дубай) ўқув муассасаларининг сертификатларини қўлга киритишади.

## АҚШда биринчи Фаластин музейи

АҚШнинг Коннектикут штати Вудбриж шаҳрида биринчи Фаластин музейи иш бошлади. 70 санъат асари, 100 фотосурат, либос ва тўқилган кийимлар ва бошқа кўплаб экспонатлардан иборат кўргазма очилди.



Кўргазма ташаббускори асли фаластинлик Файсал Солиҳнинг айтишича, америкаликлар Фаластин борасида кам маълумотга эга бўлиб, у ҳам бўлса, урушга тааллуқлидир. “Биз бу тадбир орқали Фаластин ўз алабиёт ва санъатига эгалиги, у ерда кўплаб ижодкорлар фаолият олиб бораётганлигини кўрсатмоқчи бўлдик”, – дейди у.

## ИҲТ роҳинжаларга ёрдам беради

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) Бош котиби Юсуф ибн Аҳмад Ал-Усаймин ўтмишда роҳинжа мусулмонларига етарли даражада кўмак беролмаганлигидан афсусда эканлигини ва келажакда Бангладешдан қўним топган мазкур қочоқларга кўпроқ эътибор қаратиб, уларнинг муаммоларини ечишга қаттиқ бел боғлашга ваъда берди. Қолаверса, ИҲТ роҳинжа мусулмонларига қарши содир бўлган жиноятларни фош этувчи далил-исботларни йиғиб, барча айбдорларни жавобгарликка тортишни режалаштирмоқда.

## Пашинян: “Туркия билан муносабатларни йўлга қўйишга тайёрмиз”

Арманистон Туркия билан муносабатларни дастлабки шартларсиз йўлга қўйишга тайёр. Бу ҳақда Арманистон бош вазири Никол Пашинян баёнот берди. “Туркия дастлабки шартларни илгари сурмоқда ва бу мантиқан нотўғри, сабаби улар учинчи давлат, яъни Озарбайжон билан муносабатлардан келиб чиқяпти. Арманистон эса Туркия билан муносабатларни дастлабки шартларсиз йўлга қўйишга тайёр, биз арманлар геноциди халқаро тан олинишини сиёсатига содиқ бўлиб қоламиз”, – деди Пашинян.

Унинг сўзларига кўра, бундай ҳолат янги геноцидларнинг олдини олиш лозимлиги билан боғлиқ.

**У.ТОЖИБОЕВ** тайёрлади







# ДИЙДОРЛАШИБ, ЯЙРАМОҚ ГАШТИ

Узоқ йиллар бир корхонада ишлаб, бир-бирларига туғишганлардек қадрдон бўлиб кетган инсонларнинг пенсияга чиқиб, сўнгра яна ўша корхонада тўкин дастурхон атрофида йиғилмоғи, дийдорлашмоғи, ўтган даврларни эслаб, яйрамоғи гаштини фақатгина улар қаторида ўтирибгина, улар чеҳрасидаги ўзгача қувонч, ўзгача кайфиятта гувоҳ бўлибгина ҳис қилиш мумкин.

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент телеминорасида анъанага мувофиқ, Алоқачиларнинг касб байрами ва 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда иштирок этиб, корхона ривожи учун умрини бахшида этган меҳнат фахрийлари шодлигига шерик бўлиб, улардаги кайфият бизга ҳам ўтди.

Тадбирда нафақат корхона фахрийлари ва айни пайтда улар бошлаган улкан ишларни давом эттираётган ходимлар, балки бошқа корхона ва ташкилотлардан келган фахрий алоқачилар ҳам иштирок этишди. Корхонада кўп йиллар ишлаб, соҳа вакиллари орасида ҳурмат-эътибор қозонган собиқ раҳбарлардан Муҳаммаднозим Атамуҳамедов, Карим Усмонов, Тошкент телеминорасининг биринчи раҳбари Умида Қодирова ҳамда фахрий меҳмонлардан "Ўзбектелеком" АК "БКМ" филиали Фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр Азимовлар сўзга чиқиб, барчани байрам билан табриклашди, ушбу корхонанинг узоқ йиллик фаолияти, ривожланиш босқичлари тўғрисида гапириб, келгуси фаолиятида зафарлар тилашди.

Дарвоқе, корхона ҳақида қисқача маълумот: "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Тошкент шаҳри, республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган 9та ҳудудий филиал — Радиотелевизион узатиш марказларини ўз ичига олган, қарийб 1100 нафардан ортиқ ходим фаолият юритаётган йирик корхона бўлиб, мутахассислар томонидан бутун республика ҳудудида телерадиодастурларни тарқатиш тармоғи ташкил этилган.

Корхона ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва нодавлат телерадиокомпаниялар буюртмасига биноан, уларнинг теле ва радиодастурларини шартнома асосида ер усти телерадиоузатиш тармоқлари ва ер сунъий йўлдоши алоқа тизимлари орқали узатишни амалга ошира бориб, 2007 йилдан республикамизда рақамли телевидениега ўтиш ишларини бошлаб юборган.

Шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Тошкент шаҳрида сунъий йўлдош алоқа тармоғига рақамли теледастурларни узатиш ва қабул қилиш Ер станцияси ташкил этилиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги байрами арафасида ишга туширилди. Бугунги кунда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 телеканал ва 4та радиодастурлари узатиб берилаётир. Ушбу теле ва радиодастурларни нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки 40дан ортиқ чет мамлакатлар ҳудудида ҳам кўриш имкони мавжуд.

Тадбирда бош директор Амирхон Газиев сўзга чиқиб, ана шу улуғвор ишларни олиб бораётган мутахассислар меҳнатини алоҳида эътироф этди ва бир гуруҳ ходимларга "РРТМ" ДУКнинг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Байрамлар олдидан "РРТМ" ДУК моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида харид қилинган 12та "Нексия-3" русумли хизмат автомашиналарининг калитлари ҳудудий Радиотелеузатиш марказлари раҳбарларига тантанали топширилди. Шунингдек, соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларга ҳам эсдалик совғалари берилди.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**
**"Xabar" мухбири**

АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

"Ўзбектелеком" АК "Бош коммутация маркази" филиалида йўзларида ишлаб пенсияга чиққан фахрийларни эъзозлаш, ана шу эъзоз асносида Алоқачиларнинг касб байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни шарафига чиройли дастурхон ёзиб, уларни меҳмон қилиш, кўп йиллик меҳнатларини эътироф этган ҳолда маънавий қўллаб-қувватлаш анъанага айланган.

Фахрийларни филиал ёш мутахассис қизлари миллий либосларда, самимий табассум, қўлларида чиройли пакетга солинган ширинлик билан кутиб олиб, ичкарига таклиф этишар, шу билан биргаликда, бир йил давомида кўришмаган азиз устозларнинг соғинч билан бирбирларига талпинишларини кўриб завқланишарди.

Ҳамма жамулжам бўлгач, корхона Фахрийлар кенгаши раиси Бахтиёр Азимов барчани қўшалоқ байрам билан табриклаб, уларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилади.

— Корхонамиз ривожида сиз азизларнинг ҳиссаларингиз улкан, — деди табрик учун сўз олган филиал Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти раиси Бобур Зубайдуллаев. — Биз ҳамиша сизлар билан фахрланамиз ва сиз каби ғайрат-шижоат билан ишлашга, зиммамизга юклатилган вазифани сидқидил адо этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, сизлар бошлаган йўл, юрт ривожига ҳисса бўлиб қўшилувчи эзгулик йўлидир.

Шундан сўнг фахрийлардан Людмила Болотникова, Султонмурод Шукуров, Нодира Атамуҳамедовалар ҳам ҳамкасбларини байрам билан муборакбод этишди.

— Корхонага директор ўринбосари вазифасига ишга келганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — деди Муроджон Собиров. — Бу даражада жипслашган аҳил жамоани, ўз фахрийларига бу қадар ҳурмату эъзозни бошқа жойда кўрмаганман. Бундай ажойиб муҳитда астойдил ишлаш, филиални ҳамиша олдинги қаторда юриши учун ҳисса қўшмоқ лозим.

— Бугунги тадбир бундан қирқ беш йил олдин, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини эъзозлаш билан бошланган эди, — деди филиал бошланғич касаба уюшмаси қўмитасига 30 йилдан ортиқ вақт давомида раислик қилган Людмила Болотникова. — Ўтган йиллар давомида янада такомиллашиб, кўпчилик ҳавас қиладиган эзгу анъанага айланди. Мен ишонаманки, бу ажойиб тадбирлар узоқ йиллар давом этади.

**Ўз мухбиримиз**

# ТАТУ БИТИРУВЧИЛАРИ: 45 ЙИЛДАН СЎНГ



7 май куни университет ҳовлисида 20дан зиёд собиқ талабалар тўпланди. Улар бундан 50 йил муқаддам университетнинг автоматик электралоқа факултетига ўқишга кириб, 45 йил аввал битиришган. Ўттиз нафар битирувчи — кимдир ўз соҳасида, яна бирови бошқа соҳада ишлаш учун Қозоғистонга, Туркманистонга, ўз туғилиб ўсган вилоятига жўнаб кетди.

— Ўтган йили Тошкентга яқин жойда яшовчи курсдошлар кичикроқ давра қургандик ва кейинги йили ҳаммани йиғишга аҳдлашгандик, — дейди 1973 йил битирувчиларидан бири, кўп йиллар "Ўзбекистон почтаси"га раҳбарлик қилган Раҳмонберди Зикиров. — Ниятимиз холис экан, касб байрамимизда жам бўлдик. Шунча йил ўтиб кетган бўлса-да ўртамиздаги самимият, дўстлик сақланиб қолганидан, энг муҳими, ҳаётда ўз ўрнимизни топиб, озмикўпми халқимизга хизмат қилганимиздан мамнунмиз. Туркманистонлик Озод Алимов, қозоғистонлик Абдуфаттоҳ Сайданов, хоразмлик Матқурбон Эшаметов, хуллас, барча-барча собиқ сабоқдошлар билан юз кўришганимиздан бахтиёрмиз. Ҳамма ҳам бугунга етиб келолмади. Бу ҳаёт. Оламдан ўтган дўстларимиз, устозларимизни бир-бир эслаймиз.

Бундан 45 йил аввал Тошкент электротехника алоқа институтининг автоматик электралоқа факултети талабаларига М.Орипов, М.Камолов, М.Зоҳидов, В.Сон каби устозлар сабоқ берган.

Университет маъмурияти собиқ талабалар учун экскурсия ташкил қилиб, ўқув лабораториялари билан таништиришди, таълимдаги янгиликлардан сўзлаб беришди.

**С.ТЕМИРОВ**



## УСТОЗИМ – ОТАМ МЕНИНГ!

Оқ-қорани танитган,
Яхшилик йўлин тутган,
Биздан ҳам шуни кутган,
Устозим — отам менинг!

Деган: Эътиқодли бўл,
Ҳаёт — жумбоқ, кўп мушкул,
Ечмоққа кўрсатган йўл,
Устозим — отам менинг!

Вақт аямай доимо,
Китобга қилиб ошно,
Айлаган бизни доно,
Устозим — отам менинг!

Юртга ўғлон бўлишни,
Элга посбон бўлишни,
Ўргатган эзгу ишни,
Устозим — отам менинг!

Илм — нажот бил, деган,
Ўқиб комил бўл деган,
Қуёш каби тўл деган,
Устозим — отам менинг!

Мудом кўзу қош бўлган,
Ишончли сирдош бўлган,
Етмишгача бош бўлган,
Устозим — отам менинг!

Дейман: Сизга ўхшасам,
Сабот билан яшасам,
Пойингизга гул тўшасам,
Устозим — отам менинг!

**Беҳзод АДЕНОВ,**
**Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) бошлиғи полковник**

## СЎЗИМ ЭСЛАГИН БОЛАМ

Мен ҳам юрибман шод ёшимни яшаб,
Ҳалол ризқим териб, ошимни ошаб.
Бир куни кетарман ҳаммасин ташлаб,
Менсизликда сўзим эслагин болам.

Бир кун сен ҳам боланг бошин силарсан.
Ҳақдан унга толе ва бахт тиларсан.
Англа, нени эксанг шуни ўрарсан,
Менсизликда сўзим эслагин болам.

Одамзот камоли яхшилик ила,
Ҳаммага Худодан эзгулик тила.
Тилингни қайрама ёмон сўз билан,
Менсизликда сўзим эслагин болам.

Ҳалолликдан ризқим изладим тинмай,
Дабдаба, бойликни назарга илмай.
Яшадим эгилиб ва лекин синмай,
Менсизликда сўзим эслагин болам.

Шеърим ила сенга насиҳат айлай,
Қулоғингга қуйгин мисоли қалай.
Эзгуликни туғ қил, афсус бўлмагай,
Менсизликда сўзим эслагин болам.

**Маҳмуджон ИМОМҚОРИЕВ,**
**ДФХ бошлиғи ўринбосари**

## АЛОҚАЧИЛАР

**(Қўшиқ)**

Бизлармиз қўшинда сор, лочин,
Шайдирмиз ҳам еру самода.
Тўлқинлар ёйганда қулочин,
Қутблар боғлайди алоқа.

Биз билан буйруқлар мукаммал,
Бир сўздан топилгай зафар йўл.
Жангларнинг тақдирин этиб ҳал,
Ўзбегим ўғлони омон бўл.

Нақорат
Алоқачилар, алоқачилар,
Алоқа тикланди, олға жангчилар!
Алоқачилар, алоқачилар,
Вазифа юкланди, ёвлар янчилар!

Алоқачилар, алоқачилар,
Ҳур она Ватанга хуш хабарчилар!
Алоқачилар алоқачилар,
Тинчлик-омонликка бўлинг жарчилар!

Гулласин қишлоғу шаҳарлар,
Алоқа бор экан хотиржам.
Осуда эл шому саҳарлар,
Кўнгли тўқ ҳар битта ботирдан.

Халқ ила ҳарбийлар жону тан,
Аскарлар саломлар йўллайди.
Ватан деб биз турсак мустаҳкам,
Бизни халқ дуоси қўллайди.

Нақорат
Алоқачилар, алоқачилар,
Алоқа тикланди, олға жангчилар!
Алоқачилар, алоқачилар,
Вазифа юкланди, ёвлар янчилар!

Алоқачилар, алоқачилар,
Ҳур она Ватанга хуш хабарчилар!
Алоқачилар алоқачилар,
Тинчлик-омонликка бўлинг жарчилар!

**Мирзо КАРИМ**

## КИЧИК ҲИКОЯЛАР

Хоуп Эй Торрес

### АТИРГУЛ

У гулзорда суюкли гулига сув қуярди. Олисдан қизга кўзи тушган йигит оёғини қўлига олиб, маҳбубаси томон шошди.

— Менинг муҳаббатим! Гўзалим, гулим!

Узоқ кечган ҳижрон йигитга ҳиссиётлари айнан муҳаббат эканлигини англатганди.

— Бу сизмисиз? Кўзларимга ишонмайман! Наҳотки, қайтган бўлсангиз.

— Қайтдим, гулим, бир умрга ёнингга қайтдим!

Қизнинг кўзларига ёш қалкди. Йигит кутилмаганда ғойиб бўлиб, узоқ вақт қолиб кетгани учун тиз чўкиб кечирим сўради. Муҳаббат тўла юракда нафратга ўрин йўқ эди. Қиз уни кечирди. Қувончдан ўзини қўярга жой тополмаган йигит маҳбубасини бағрига босмоқчи бўлиб, ўзи томон тортди. Қиз бирдан чинқириб юборди.

— Бу нима қилганингиз, атиргулим, атиргулим, уни синдириб қўйдингиз-ку ахир. Ҳар доим шунақа, кечирим сўраб келасиз-да, бирор қадрдонимдан айириб, қон йиғлатиб ғойиб бўласиз. Ота-онам сизни деб адо бўлган юрагим дардига даво тополмай кетди. Синглиму укам дийдиёмдан тўйгани учун бу остонага қадам қўймайди. Мана энди суюкли атиргулим. Тағин бир фожиа юз бермасидан бурун кетинг! Сизни кечиролмайман! Кўзларим очилди! Афсуски, кеч...

Александр Неверов

### МУҲАББАТ

Баҳор келиши билан чаманда оқ, сариқ, қизил ва бинафшаранг гуллар очилди. Улар узра ёш ва қувноқ капалаклар учиб юрар, биридан иккинчисига қўниб, қисқа ҳаётнинг гўзаллигидан завқланардилар. Бир куни жозибали капалак бўтакўзга қўнди ва гул унга ошиқу беқарор бўлиб қолди.

— Азизим, учиб кетма, илтимос, — дея ялинди у.

— Қўйвор, — деди капалак, — ҳу, ана у наъматакка қўнгим келяпти.

— Йўқ, — деди бўтакўз. — Меникисан, умримнинг охирига қадар сени севаман.

Бўтакўзнинг муҳаббати ниҳоятда кучли эди. Капалак гулга ҳижрон азоби озор етказиши мумкинлигидан қўрқиб учиб кетмади, бироқ кўп ўтмай ўзи зерикишдан вафот этди...

## КИТОБ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР



■ **Имом ал-Бухорий 600000 ҳадис тўплаб, шундан 100000 саҳиҳ, 200000 заиф ҳадисни ёдлаган. Бу ҳадисларни тўплашда 90000дан ошиқ кишининг ҳузурида бўлиб чиққан.**

■ Аёллар эркакларга қараганда кўп (68 фоиз) китоб сотиб оладилар.

■ **Битта роман ёзиш учун 500 соат кетади.**

■ Жамоа билан китобни овоз чиқариб ўқиш бўйича энг узоқ давом этган марафон 224 соат кечган.

■ **Дунёдаги энг оғир китоб Британия музейида сақланувчи XVII асрга оид географик атласдир. Унинг бўйи 1,9 метр, оғирлиги 320 килограммдир.**

■ Google дунёда чоп этилган барча бадиий, публицистик, илмий асарлар сонини ҳисоблаб чиққан. Уларнинг сони 130 миллиондан ошади.

■ **Дунёдаги энг машҳур китоб қаҳрамони — Наполеондир. У ҳақда 10000дан ортиқ турли жанрдаги китоблар ёзилган.**


Канн Халқаро фестивали доирасида Ўзбекистон павилони ўз эшикларини очди.

# ОБОД МАНЗИЛЛАР, ОБОД ГЎШАЛАР…

“Обод қишлоқ” дастури асосида юртимизда бунёдкорлик ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

“Ўзбектелеком” АЖ Жиззах филиали Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳарчасида телекоммуникация тармоқларини тартибга келтириш ишларини бажаряпти. Ҳозиргача “Мустақиллик”, “Ержар”, “Дўстлик”, “Ғалаба” МФЙлардаги ҳаво алоқа линиялари (ҲАЛ) тартибга келтирилди. Шунингдек Эҳсонов, Улуғбек, “Боғбон” ҚФЙдан ўтувчи 0,9 км. ҲАЛ ер остидан қайта ўтказилди, Хўжамқулов, Набиев кўчаларидаги 4 км. ҲАЛ эса тартибга келтирилди. Автойўллардан ўтувчи 0,9 км. ҲАЛ ҳам ер остига олинди. Мавжуд 13та тарқатув жавони таъмирланиб, тартиб рақами бўйича рақамлаштирилди. Булардан ташқари, 15та телефон алоқа қудуғи йиғилиб қолган лой ва сувлардан тозаланиб, алоқа кабеллари тартибга солинди. Электр узатиш линиялари билан кесишган 7та жойдаги хавфли кесишмалар бартараф этилди.



Шунингдек, Гагарин шаҳарчасида жойлашган телекоммуникация боғламаси биносида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилияпти. ТБ биноси тўлиқ реконструкция қилинмоқда. Умуман олганда, “Обод қишлоқ” дастурига асосан Мирзачўл туманида нафақат соҳа корхоналари, балки бутун бир комплекс бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

**Норқул МАЪМУР,**
**“Xabar”нинг Жиззах вилоятидаги мухбири**

Дил изҳори

## ЁШЛАРГА ТИЛАГИМ

Ассалому алайкум, қадри баланд қадрдонларим — Акциядорлик-тижорат “Алоқабанк”нинг ишига масъул, касбига фидойи мутахассислари!

Бундан 20 йил аввал ушбу банкда иш бошлаб, мана пенсия ёшига ҳам етиб келдим. Ўтган йиллар давомида кўп нарса — касбга фидойиликни, зиммасидаги вазифасига масъулликни сиз азиз устоз ва ҳамкасбларимдан ўргандим. Жамоада ва соҳа ходимлари орасида ўз ўрнимни топишимда жамоамиз раҳбари Коммуна Ирисбекова, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рамиля Сахапова, амалиёт бошқармаси бошлиғи Акмал Хўжақулов, жамғарма касса бўлими бошлиғи Нодир Дўстматовлар менга яқиндан ёрдам беришди.

Банкимизда мен каби пенсионерлар ишини давом эттираётган ёшларга эса тилагим битта — у ҳам бўлса астойдил ишлаб, билмаганларингизни тажрибали ходимлардан сўраб ўрганиб, халқ розилигига эришинг. Шунда умрингиз ва ризқингизда барака бўлади, топганингиз яхши кунларга насиб этади.

**Тожигул РАҲМОНОВА,**
**АТ “Алоқабанк” амалиёт бошқармаси жамғарма кассалар бўлими кассири**

МАЪРИФАТ

# КУТУБХОНА ДЎСТЛАРИ

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази қошида “Кутубхона дўстлари” болалар клуби ташкил этилганлигига кўп бўлгани йўқ. Лекин ёш китобхон ўқувчилар ҳар бир қалбга зиё улашиш, маърифат тарқатиш мақсадида кўплаб хайрли ишларни амалга оширишга эришдилар.

— Шу кунга қадар клуб аъзолари Фарғона шаҳридаги Болалар ва Меҳрибонлик уйларида бўлишди, — дейди вилоят АКМ директори Шоҳидбек Аслонов. — Клуб аъзолари томонидан ташкилланган “Китобим — офтобим” деб номланган маданий-маърифий тадбир қизиқарли ва мароқли ўтказилиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда “Кутубхона дўстлари” клуб аъзолари болаларга эртак китоблар совға қилишди ҳамда уларга китобдаги қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти, китоб ўқишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Шунингдек, улар бахтли болалик, истиқлол, Ватан, баҳор, тинчлик ва дўстлик мавзуларида шеърларни ўқиб беришди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

ЭЪЛОН!




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ URGENCH SATELLITE" масъулияти чекланган жамиятининг (Хоразм вилояти) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2017 йил 25 апрелда берилган АА серияли 0006148 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 30 апрелдан тугатилди.

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"SAF-SADAF-SERVIS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 7 октябрда берилган АА серияли 0006006 рақамли;

"O'ZALOQAKONSALTING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2017 йил 26 январда берилган АА серияли 0006052 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 2 майдан тугатилди.

СОҲА СПОРТИ






## Пойтахтлик телекомчилар спартакиадаси

Алоқачилар касб байрами муносабати билан “Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали ва касаба уюшма қўмитаси филиал ходимлари ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси ва мини-футбол турлари бўйича спартакиада ўтказди.

Мазкур баҳсларда жами 148 нафар ходим қатнашди. Мусобақа якунида совринли ўринларни эгаллаган жамоалар ва ходимлар қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

## Сурхондарёлик алоқачилар футзал майдонида беллашди

Сурхондарё вилоятида ҳам алоқа корхоналари ва ташкилотлари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Унда 13та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Баҳсларда биринчи ўринни Сурхондарё вилояти “Матбуот тарқатувчи” ШК, иккинчи ўринни “UMS” МЧЖ Сурхондарё бўлими ва учинчи ўринни “ЎзМобайл” Сурхондарё бўлими жамоалари қўлга киритишди.

Ғолиб ва совриндорларга кубок, турли даражали диплом ва эсдалик совғалари берилди.

*Яна бир неча кундан сўнг халқимиз интиқлик билан кутаётган табаррук ой – Рамазон бошланади. Маълумки, Рамазон аҳиллик ва тотувлик, диний ва миллий қадриятларимиз эъзозлана-диган, одамлар орасидаги меҳр, оқибат юқори чўққига кўтариладиган ойдир.*

*Ҳурматли юртдошлар! Биз ҳам ушбу гўзал ойда ишларингизга ривож, дастурхонингизга тўкинлик, жаннатмонанд юртимизга тинчлик-осойишталик тилаган ҳолда эътиборингизга Рамазон ойи тақвимини ҳавола қиламиз.*



# РАМАЗОН ОЙИ ТАҚВИМИ

| Рамазон кунлари | Май | Ҳафта кунлари | Саҳарлик тугаши | Ифторлик вақти |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 16 | Чоршанба | 3:34 | 19:35 |
| 2 | 17 | Пайшанба | 3:33 | 19:36 |
| 3 | 18 | Жума | 3:32 | 19:37 |
| 4 | 19 | Шанба | 3:31 | 19:38 |
| 5 | 20 | Якшанба | 3:30 | 19:39 |
| 6 | 21 | Душанба | 3:29 | 19:40 |
| 7 | 22 | Сешанба | 3:28 | 19:41 |
| 8 | 23 | Чоршанба | 3:28 | 19:42 |
| 9 | 24 | Пайшанба | 3:27 | 19:43 |
| 10 | 25 | Жума | 3:26 | 19:44 |
| 11 | 26 | Шанба | 3:25 | 19:45 |
| 12 | 27 | Якшанба | 3:25 | 19:45 |
| 13 | 28 | Душанба | 3:24 | 19:46 |
| 14 | 29 | Сешанба | 3:24 | 19:47 |
| 15 | 30 | Чоршанба | 3:23 | 19:48 |

| Рамазон кунлари | Май Июнь | Ҳафта кунлари | Саҳарлик тугаши | Ифторлик вақти |
|---|---|---|---|---|
| 16 | 31 | Пайшанба | 3:23 | 19:49 |
| 17 | 1 | Жума | 3:22 | 19:49 |
| 18 | 2 | Шанба | 3:22 | 19:50 |
| 19 | 3 | Якшанба | 3:21 | 19:51 |
| 20 | 4 | Душанба | 3:21 | 19:52 |
| 21 | 5 | Сешанба | 3:21 | 19:52 |
| 22 | 6 | Чоршанба | 3:20 | 19:53 |
| 23 | 7 | Пайшанба | 3:20 | 19:54 |
| 24 | 8 | Жума | 3:20 | 19:54 |
| 25 | 9 | Шанба | 3:19 | 19:55 |
| 26 | 10 | Якшанба | 3:19 | 19:55 |
| 27 | 11 | Душанба | 3:19 | 19:56 |
| 28 | 12 | Сешанба | 3:19 | 19:56 |
| 29 | 13 | Чоршанба | 3:19 | 19:57 |
| 30 | 14 | Пайшанба | 3:19 | 19:57 |

**Рўза тутиш (оғиз ёпиш) дуоси:**
Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.

**Маъноси:** Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим, холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюкдир.

**Ифторлик (оғиз очиш) дуоси:**
Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқиқа афтарту, фағфирли йа ғоффару ма қоддамту ва ма аххорту бироҳматика йа архамар роҳимийн. Аллоҳу акбар.

**Маъноси:** Эй Аллоҳ, ушбу Рўзамни сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккул қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

**Тошкентдан бошқа шаҳарлардаги вақтлар фарқи (дақиқа)**
**Аввал: Андижон −12, Наманган −10, Фарғона −10, Қўқон −7.**
**Кейин: Бухоро +21, Гулистон +7, Денов +7, Жиззах +6, Навоий +19, Нукус +42, Самарқанд +9, Урганч +35. Хива +35, Қарши +11.**

## Билиб қўйган яхши

# СИМОБЛИ ТЕРМОМЕТР СИНГАНДА

**Аввало симобли термометрни ишлатиш ва сақлашда ниҳоятда эҳтиёткор ва ҳушёр бўлмоқ лозим. Негаки, симоб ўта заҳарли моддалар қаторига киради. Айниқса, унинг буғланиб ҳавода тарқалиши инсон соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Қолаверса, хонанинг у ер, бу ерида кўзга кўринмай қолиб кетган симоб доначалари бир неча йиллар-гача сақланиб, ҳавони заҳарлаб туриши аниқланган.**

Мабодо бундай термометр бехосдан синиб қолса, қуйидагиларга риоя қилинг:

- Симобни асло қўлингиз билан ушламанг! Чангютгичдан фойдаланишни эса хаёлингизга ҳам келтирманг, бу билан сиз хавфли модда ҳавога тарқалишига сабабчи бўласиз, холос.
- Синган термометрни чиқинди қутисига ташламанг. Парланган 2 грамм симоб 6000 кубометр ҳавони заҳарлашга қодирлигини унутманг.
- Тўкилган симобни асло супурманг: супурги симобни майдалаб, майда заррачаларга айлантиради ва уни йиғиб олиш янада мураккаблашади.
- Симобни йиғиб бўлмагунингизча хонада елвизак қилакўрманг, акс ҳолда симоб заррачалари бутун хона бўйлаб тарқалади.
- Симоб теккан буюм, кийим ёки пойабзални асло кир ювиш машинасида ювманг. Яхшиси уларни ташлаб юборинг.
- Симобнинг канализация қувурларида ўрнашиб қолиш хусусияти бор. Бундан ташқари, симобни канализациядан тозалаш ниҳоятда мушкул иш. Шу сабаб уни канализацияга оқиза кўрманг.

Тўкилган симобдан безарар қутулишда қуйидагиларга риоя қилинг:

- Қўлларингизга резина қўлқоп кийиб, симобнинг майда заррачаларини яхлит битта катта шарчага бирлаштиринг ва ҳўлланган қалин қоғозга ўраб, яхши ёпиладиган банкага солинг. Кейин эса полни марганцовкали сув билан, қўлларингизни кир совун билан яхшилаб ювинг. Пол артилган латта ва қўлқопларни, албатта, ташлаб юборинг. Хона деразаларини дарҳол очиб юборинг. Симоб солинган банкани эса вақтинча бирор ишончли жойга қўйиб туринг ва тезда мутахассисларга топширинг.

Яхшиси электрон термометр сотиб олинг. Улар бемалол симобли термометрларнинг ўрнини боса олади. Шунингдек, ишлатишда хавфсиз ва қулай. Улар симоблилардан тез ишлайди ва маълумотларни хотирада сақлай олади.



Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
**Азим АХМЕДХАДЖАЕВ** (Ҳайъат раиси), **Фарҳод РЎЗИЕВ**, **Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ**, **Тўлқин ТЕШАБОЕВ**, **Лутфилло ТУРСУНОВ** (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент,
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: *info@xabar.uz*

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Лутфилло ТУРСУНОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-543 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 3348 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | (0365)600-87-21 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 291-43-28 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |

1 2 3 4 5